
ХИТОЙ КОМПАНИЯСИ ФАРҒОНАДА ШИША ВА ОПТИК ТОЛАЛАР ҲАМДА БАЗАЛЪТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УСТИДА ИШ ОЛИБ БОРМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Хитойнинг Nanjing Fiberglass компанияси бош директори Сунг Минг бошчилигидаги делегация вакиллари қабул қилди.

Учрашувда Хитой инвестицияси ҳисобига вилоятимизда саноат ва қурилиш учун махсус шиша тола, базальт маҳсулотлари ҳамда оптик тола ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги Фарғона делегациясининг жорий йил июнь ойида Хитой Халқ Республикасига амалий ташрифи давомида ушбу компания раҳбарлари билан музокаралар ўтказилиб, қиймати 20 млн. доллар бўлган ушбу лойиҳа бўйича дастлабки келишувга эришилганди.

Бугунги учрашув чоғида режалаштирилаётган корхона Марказий Осиёда ягона бўлишини қайд этган Сунг Минг, қурилиш ва саноатда фойдаланиш мумкин бўлган шиша тола Хитойда ҳозирда кенг оммалашганини, бу маҳсулотга МДҲ давлатлари, Европа ва АҚШда талаб юқори эканлигини таъкидлади.

Куни кеча Фарғона политехника институти фаолияти билан ҳам танишганларини билдирган хитойликлар, биргаликда муҳандис кадрлар тайёрлаш имкониятини кўриб чиқилгани, келгусида институт билан ҳамкорлик қилинишини билдирдилар. Компания вакиллари Марказий Осиё сервислари учун муҳандисларни Фарғона политехника институтида тайёрлаш ва уларни Хитойда малакасини оширишга тайёрлигини қўшимча қилдилар.

Вилоят ҳокими мазкур махсус шиша тола, базальт хомашёси, оптик тола ишлаб чиқариш бугун мамлакатимиз учун жуда муҳимлигини таъкидлаб, лойиҳани тез фурсатда ишга туширишга ҳар томонлама амалий кўмак беришга тайёрлигини маълум қилди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг инвестициялар, саноат ва савдо масалалари бўйича ўринбосари Нуриддин Мамажонов ҳам иштирок этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-08-04 20:28:11